

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

# Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 10-iyul, chorshanba № 52 (15690)

## ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



### Бахтли яшаш формуласи

Юртбошимиз ва давлатимиз томонидан биз, ёшларга берилётган шароитлардан унумли фойдаланиш — ҳар биримизнинг вазифамиз. Айниқса, мамлакатимизда болалар спортга қаратилаётган эътибордан ҳар қанча фахрланиб гапирсак арзийди. Энди ўн икки ёшга кирган бўлсам ҳам, орзуларим чексиз, Ватаним равнақиға муносиб ҳисса қўшиш нияти билан яшайман.

Шахматга иштиёқни менда бобом Ғофуржон Тожибоев уйғотган. Бувам бу интеллектуал спорт турининг сир-асрорларини ўргатди, ўз устимда ишлашга ундади. Кейин тажрибали мураббий, Абдунабижон Тешаевга шогирд тушдим. Биринчи марта тенгдошларим ўртасида туман ғолиби бўлганимда, бувам мендан фахрланишини, юртимиз байроғини халқаро мусобақаларда баланд кўтаришим лозимлигини уқтирди.

Шахмат мени ўзига тобора жалб этиб, унинг сирли оламига саёҳат қилар эканман, Рустам Қосимжонов, Фабиано Каруана, Вишванатан Ананд, юртимиз қизлари орасида биринчи халқаро гроссмейстер бўлган Нафиса Мўминова ўйинларини қизиқиш билан кузатадиган бўлдим. Унинг эришаётган ютуқларига бўлган ҳавас менинг мақсадим сари интилишимни икки карра оширди. Ниҳоят, меҳнатим ўз самарасини кўрсатди. Уч карра туман ғолиблиги, республика мусобақаларида фахрий ўринларни эгаллашим нафақат мени, балки оилам, мактабимнинг юзини ёруғ қилди. Бироқ «Камолот» шахмат тахтаси» мусобақасидаги иштироким ҳаммасидан ҳам эсда қоларли бўлди. Мусобақага пухта тайёргарлик кўриб, биринчи ўринни қўлга киритдим. Мусобақа ташкилотчиси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан мен каби ёшларга ўз салоҳиятимизни намоён этиш учун имкониёт яратиб берилётганидан хурсандман. Ҳаракатнинг Учкўприк тумани кенгаши, туман «Камалак» ташкилоти ҳам менга ҳамиша кўмақдош. Атрофимдаги яхши одамлар, устозларимнинг қўллаб-қувватлашлари мени ҳамиша олға ундайди.

Президентимиз айтганларидек, ҳеч бир соҳа спорт каби юртимизни дунёга тез танита олмас экан, мен танлаган йўлимда яна кўп меҳнат қилишим лозим. Мақсадим ҳам шунга яраша — шахмат бўйича жаҳон чемпиони бўлиш. Халқаро ареналарда Ўзбекистон мадҳияси кўп-кўп янграшини хоҳлайман.

Ҳаётда «Соғлом ҳаёт — бахтли ҳаёт» шиори билан яшайман. Шахмат спортнинг шундай турики, унда ёшу қари — етти ёшдан етмиш ёшгача ҳамма у билан шуғулланиши, бирга донга суриши мумкин. Спортнинг бу тури билан мунтазам шуғулланиш ақлни чархлаши билан бирга, фикрлаш тарзини ҳам ривожлантиради. Бу эса ўз ўрнида соғлом ҳаётни таъминлайди. Мен юртимизда ёшларнинг бахту камоли учун яратилган шароитларни бахтли яшаш формуласи, деб атаган бўлардим.

**Шоҳсанамхон ҒОФУРОВА,**  
Учкўприк туманидаги  
49-мактаб ўқувчиси



Сардор Муллажонов фотосоллажи

Кун yangiligi

### Бутунжаҳон универсиадасидан дастлабки медаллар

Қозон шаҳрида (Россия) ўтаётган XXVII Бутунжаҳон универсиадасида ҳамюртларимиз дастлабки медалларни жамоамиз хазинасига тақдим этишди.

7 июль куни бўлиб ўтган белбоғли кураш ҳамда дзюдо мусобақаларида спортчиларимиз совринли ўринларни қўлга киритишди. Жумладан, белбоғли кураш бўйича Нозимжон

Иброҳимжонов (90 килограмм) ва Зайлобиддин Ортиқов (75 килограмм) ўз вазн тоифаларида беллашувларда иштирок этиб, бронза медалларга сазовор бўлдилар.

Дзюдочимиз Соиб Курбонов ҳам вазни 100 килограмм бўлган полвонлар баҳсида бронза медалга эгалик қилди.

Эслатиб ўтамиз, мазкур — XXVII Бутунжаҳон универсиадасида дунёнинг 170 га яқин мамлакатидан 13 мингга яқин та-

лаба-спортчилар 27 спорт тури бўйича мусобақаларда иштирок этмоқда. Жумладан, Ўзбекистон спорт делегацияси таркибидан жой олган 55 нафар талаба-спортчи бокс, белбоғли кураш, бадий гимнастика, байдарка ва каноэда эшак эшиш, дзюдо, самбо, оғир атлетика, эркин ва юнон-рум кураши ва енгил атлетика бўйича баҳсларда қатнашмоқда.

«Туркистон-пресс»



Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси томонидан ёшлар йўналишидаги нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти самарадорлигини оширишнинг муҳим масалаларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

## Ёшлар ташкилотлари фаоллиги ошмоқда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси хузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Фуқаролик жамиятини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси каби ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда олимлар, экспертлар, фаолияти ёшларга оид жамоат ташкилотларининг вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси А.Каримов, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Ф.Мухаммадҷонова, Олий Мажлис хузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди директори А.Тўраев ва бошқалар Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда соғлом ва мустақил фикрга эга, юксак интеллектуал салоҳиятли авлодни камолга етказиш масаласига давлат сиёсатининг муҳим йўналиши сифатида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида», «Таълим тўғрисида», «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун ҳужжатлари, ижтимоий аҳамиятга молик давлат дастурлари бу йўналишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Юртимизда фаолият юритаётган олти юз элликка яқин ёшлар йўналишидаги жамоат ташкилоти соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ёшларни ватанпарварлик, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида камол топтириш, ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтини унумли ташкил этишга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси кўмаги билан 2007 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ёшлар йўналишида бир қатор жамоат ташкилотлари фаолият бошлаган эди. Ҳозир улар томонидан ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ижодий-интеллектуал салоҳияти, ҳуқуқий, иқтисодий билимини юксалтириш, маҳалла, тураржойлар ободлигини таъминлаш, миллий ҳунармандликни ривожлантириш, битирувчиларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашишга оид қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

— Ташкилотимизнинг вазифаси ижтимоий ҳимояга эҳтиёжи баланд ёшлар билан ишлашдан иборат, — дейди Сирдарё вилоятидаги «Хилол» нодавлат нотижорат ташкилоти раҳбари Дилфуза Рейимбоева. — Ҳокимликлар, бандликка кўмаклашиш марказлари билан ҳамкорликда ёшларга касб-хунар ўргатиш, уларни касбий қайта тайёрлаш, ишга жойлашишида кўмаклашиш, ҳуқуқий, иқтисодий билимини ошириш, банклардан кредит олишда ёрдамлашишга доир ўқув курслари, спорт-соғломлаштириш, маданий-маърифий тадбирларни ташкил этмоқдамиз.

Давра суҳбатида ёшлар йўналишидаги жамоат ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва самарадорлигини янада ошириш, уларнинг давлат бошқаруви органлари билан ижтимоий ҳамкорлигини кучайтиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Назкат УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири

# Ватан, менга кераксан!

Ўзбекистон давлат консерваториясида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловининг олий таълим муассасалари аро учинчи босқичи ўтказилди. Унда юртимиздаги ўн учта олий таълим муассасасининг ҳаваскор жамоалари ва яккахон қўшиқчилари иштирок этди.

Кўрик-танлов аввалида Олий ва ўрта махсус таълим вазири Баҳодир Ҳодиев сўзга чиқиб, жумладан шундай деди:

— Инсон янгиликка, яхшиликка тез кўникади. Назаримизда, ҳамма нарса худди шундай бўлиши керакдек туюлади. Аслида, юртимизнинг йигирма икки йиллик истиқлол йўлида босиб ўтган залворли қадамларини, эришган муваффақиятларини қадрлашимиз керак. Юртимизда сиз, ёшларга қаратилаётган юксак эътибор салмоғини бирор нарса билан ўлчаб бўлмайди. Шунинг учун ҳам сизда, мен ҳали ёшман, деган фикр бўлмаслиги лозим. Чунки олдингизда ёш авлодни тарбиялаш вазифаси турибди.

Юртимизда иқтидорли ёшларни топиш, уларнинг истеъдодини рўёб-

га чиқариб, изланишларини қўллаб-қувватлаш, муносиб рағбатлантириш муҳим аҳамиятга эга. Мазкур кўрик-танлов ушбу хусусиятларни ўзида мужжасам этгани билан диққатга моликдир.

Кўрик-танловнинг биринчи босқичи барча олий таълим муассасаларида факультетлар аро ўтказилиб, унда ўн икки мингдан зиёд истеъдодли тенгдошларимиз иштирок этди. Иккинчи босқич ғолиблари худудлардаги олий таълим муассасалари талабалари орасида ўтказилган беллашувда аниқланди ва кўрик-танловнинг учинчи босқичига йўллангани қўлга киритди.

Дунёдаги энг ёқимли, суюмли қўшиқлар, шубҳасиз, ватан ҳақидадир. Унинг муҳаббати кўнгил кенгликларини кезиб, тилларда қўшиқ бўлиб

янграйди. Ўзбекистон давлат консерваториясида бўлиб ўтган кўрик-танловнинг учинчи босқичида истеъдодли талаба тенгдошларимиз ватанга аталган энг эзгу туйғуларини соҳир наволар уйғунлигида йиғилганларга тақдим этишди. Эл-юртга садоқат, ватан тақдирига дахлдорлик ҳисси билан йўғрилган, мазмунан теран куй-қўшиқлар барчада катта таассурот уйғотди.

Бир-биридан истеъдодлилар беллашганда ҳар доим ғолибларни аниқлаш қийин кечади. Мазкур кўрик-танлов якунида ҳам бу яққол аён бўлди. Шундай эса-да, ҳакамлар ҳайъати ғолибларни эълон қилди. Ўн учта олий таълим муассасаси орасида иккита биринчи ўринга Қорақалпоқ давлат университети ва Самарқанд давлат университети бадиий жамоалари муносиб кўрилди.

— Бу йилги кўрик-танловда дуэтдошим Розия Ўрозалиева билан «Ватан менга, мен ватанга кераксан!» номли қўшиқ айтдик, — дейди Қорақалпоқ давлат университети ва-

кили, кўрик-танлов иштирокчиси Утемис Жуманиязов. — 2010, 2012 йилларда мазкур танловда биринчи ўринни эгаллагандик. Бу йил ҳам ғолиблик анъанасини давом эттирганимиздан хурсандимиз. Устозимиз Курбонбой Заретдинов бизга кўп ёрдам берди. Кўрик-танловдан фақат ғолиблик сурури билан қайтаётганимиз йўқ, балки юртимизда биз, ёш истеъдод эгаларига қаратилаётган юксак эътибор гувохли бўлди, турли вилоятлардан келган иқтидорли, хушовоз тенгдошларимиз билан суҳбат қуриб, улар ижоди билан танишдик.

Кўрик-танловда бу йил ҳам янги номлар кашф этилди, ғолиблар тақдирланди. Ўрин олманлар келгуси йил янада қатъият ва янги илҳом билан қатнашишга бел боғлади. Биринчи ўрин соҳиблари эса «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловининг шу йил август ойида ўтказилиши кутилаётган финал босқичида ҳам зафар кучишни дилига тугди.

Хайридин МУРОД,  
«Turkiston» мухбири

## Элга камарбаста йигитлар

Ёзги таътилни ҳам ярми ортда қолмоқда. Хоразм вилоятидаги олий таълим муассасалари талаба-ёшлари таътил кунларини фойдали меҳнат билан ўтказиш, вилоятда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларига муносиб ҳисса қўшиш мақсадида «Бунёдкор» ёшлар меҳнат гуруҳига аъзо бўлишган.

«Бунёдкор»чилар қурилиш, педагогика, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда ҳамда тарғибот-ташвиқот тадбирларида ўз ақлий ва жисмоний салоҳиятларини намоён этмоқда. Урганч давлат университетининг олтмиш нафар талабасидан иборат «Бунёдкор» гуруҳи Урганч шаҳридаги Амир Темур истироҳат боғи худудида барпо этилаётган «Ёшлар маркази» биноси қурилишида уста-қурувчиларга ёрдамлашишмоқда. Яна 150 нафар талаба Урганч шаҳридаги Гурлан кўчасида жойлашган Урганч давлат университети филология ва санъат факультети биносининг жорий таъмирлаш ишларида «Ирригация темирбетон» корхонаси билан тузилган шартнома асосида меҳнат қилишмоқда. Университетнинг қишлоқ хўжалиги йўналишида таълим олаётган талаба-ёшларнинг



икки юз нафарга яқини ўқув-амалий тажриба хўжалигида «Бунёдкор агрогуруҳи»да бирлашишди. Улар жадаллашган (интенсив) мевали боғларни ташкил этиш ишларида қатнашиб, билимларини амалиётда қўллапти.

Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиалининг 130 нафарга яқин талабаси маҳаллардаги ёшлар учун «Бунёдкор ёшлар — 2013» компьютер саводхонлиги ўқув курслари машғулотларини таш-

кил этмоқда. Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали талабалари эса, Урганч шаҳридаги маҳаллаларда таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларига жалб этилган.

— «Бунёдкор» ёшлар меҳнат гуруҳи лойиҳасида уч йилдан буён иштирок этаман, — дейди Урганч давлат университети тарих факультети талабаси Сирож Машарипов. — Ушбу лойиҳанинг айнан ёз мавсумида ташкил этилаётгани биз, талаба-ёшлар учун кенг имкониятлар яратмоқда. Масалан, мен ёзги таътилни мазмунли ўтказиб, мутахассислигимдан ташқари касб-хунарли бўлаёпман.

Бу ерда меҳнат қилаётган ёшларнинг барчаси ўз ишидан миннатдор. Улар учун Ҳаракатнинг туман ва шаҳар кенгаши ҳамда таълим муассасаларининг бошланғич ташкилотлари томонидан турли танловлар, спорт мусобақалари ва концерт дастурлари ташкиллаштириб келинмоқда.

Рустам ҚҶҚОРОВ



# Оромгоҳга қўй қадам — «Камалак»ка бўл ҳамдам!



Ёзги таътил бошланиши билан салқин-соя манзилларга, оромгоҳлар бағрига шошган болажонларни кўриб, завқ-шавқингиз ошади. Шўх-шаддод, дадил ва эпчил, турли феъл-атворли болажонлар кўнглида ёзни мириқиб ўтказиш нияти бўлади.

Бу йил Бухоро вилоятида 1-синфдан 7-синфгача бўлган 192488 нафар боланинг 6500 нафари стационар оромгоҳларда, 10200 нафари эса кундузги оромгоҳларда дам олиши режалаштирилган. Уларнинг ёзги таътилни соз ўтказишлари учун 17 та доимий ҳамда 86 та кундузги мактаболди оромгоҳи ташкил этилди. Ҳаракатнинг туман ва шаҳар кенгашлари томонидан «Ёзни «Камолот» ва «Камалак» билан!» тарғибот ва ташвиқот гуруҳлари тузилди. Мазкур гуруҳлар оромгоҳларда маънавият ва маърифат хоналарини юритиш, «Камолот» ва «Камалак» фаолиятини тарғиб этиш, шунингдек, оромгоҳлар ҳудудини болалар тарбиясига оид шиорлар билан бойитиш ишларини бажармоқда. Оромгоҳларда сардорлар ва вилоят «Етакчи» ёшлар марказининг «Ёш лидерлар» клуби ҳамкорлигида ташкил этилаётган маънавий-маърифий тадбирлару танловлар, қизиқарли ўйинлар болажонлар учун муҳим

аҳамият касб этмоқда.

Бухоро шаҳридаги «Нефтчи», «Ёш алоқачи», «Ёш пахтакор», Бухоро туманидаги «Мовий гулхан», «Ёш пахтакор», Жондор туманидаги «Ниҳол», Когон туманидаги «Гулхан», Пешку туманидаги «Ёшлик», Вобкент туманидаги «Йўлдош» каби қатор болалар дам олиш оромгоҳларида «Экологияни асраб-авайлашга менинг ҳиссам» мавзуида давра суҳбатлари, «Дунё менинг тасаввуримда» мавзуида асфальтга расм чизиш, «Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!» мавзуида ижодий ишлар танлови, «Ёзги спартакиада» шиори остида спорт мусобақалари, «Заковат» интеллектуал ўйинлари, «Камалак» — менинг ташкилотим» мавзуида семинар-тренинглар, «Диққат, истеъдодлилар қидирилмоқда!», «Энг узун занжир», «Қувноқ шашка» каби беллашувлар, «I like my family» (Оиламни яхши кўраман) номли инглиз тилида иншолар танлови, «Мен ва сен», «Қувноқ футбол» каби

шоулар болаларни «Камолот» ва «Камалак»ка янада яқинлаштирмоқда, десак, муболаға бўлмайди.

— Бу йил «Ёзни «Камалак» билан!» лойиҳасини «Оромгоҳга қўй қадам — «Камалак»ка бўл ҳамдам!» шиори остида бошладик, — дейди Бухоро вилоят «Камалак» болалар ташкилоти раиси Адолат Акрамова. — «Камалак»ка чорловчи бу шиор болажонларга ажойиб тўхфалар тақдим этади. Бу йилги лойиҳалар ўтган йиллардагидан фарқли ўлароқ, нафақат болажонларнинг мириқиб дам олишига, балки меҳнатга, хунарга қизиқишини, она табиатга меҳрини оширишга хизмат қилмоқда. Турли беллашувлар орқали уларнинг ўқув йилида олган билимлари мустаҳкамланмоқда. Хусусан, оромгоҳ тарбияланувчилари учун «Инглиз тилини ўрганамиз» тўғрагининг машғулоти ташкил этилаётгани диққатга сазовордир.

Вилоятда болалар дам олиш оромгоҳларига кам таъминланган



оилалар фарзандлари, боқувчисини йўқотган, ота-онасиз болаларнинг дам олишлари учун бепул йўлланмалар берилган. Уларнинг кўнгили дам олишларини таъминлаш мақсадида турли лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Когон туманидаги «Сухор» МФИ ва «Янги ҳаёт» ҚФЙ, Когон шаҳридаги 3-мактаб қошидаги «Булбулча», 5-мактаб қошидаги «Гулхан», Шофиркон туманидаги 38-мактаб қошидаги «Машъал», Бухоро шаҳридаги 3-мак-

табдаги «Рохат», 19-мактабдаги «Шодлик» каби кўплаб мактаболди соғломлаштириш оромгоҳлари тарбияланувчилари иштирокидаги турли тадбирлар ота-оналар қатори маҳалла аҳлининг ҳам ёшлар ташкилотига ишончини оширмоқда.

Оромгоҳларда иш олиб бораётган турли тўғараклар фаолияти ҳам эътиборга молик. Қоғоз ва картонлардан гул, мунчоқлардан тақинчоқлар; оригами усулида турли уй ҳайвонлари шаклини ясаш

ўргатиладиган тўғаракларнинг ташкил этилгани болаларнинг қўл меҳнатига қобилиятини шакллантиришда асос бўлмоқда.

«Камолот» ЁИХ Бухоро вилояти кенгаши ташаббуси билан оромгоҳларда дам олувчилар учун уюштирилаётган саёҳатлар болажонларнинг Ватанга бўлган меҳру муҳаббатини янада оширмоқда.

**Лайло ҲАЙИТОВА,**  
«Turkiston» мухбири

Shunday markaz bor

## Чевар қизлар — ҳунарини севар қизлар

Ҳакимаҳон Раҳмонова Олтиариқнинг моҳир тикувчиларидан, унга чеварлик онаси — Сабрихон аядан мерос. Волидасидан ўрганганларини замонавий усуллар, янги моделлар билан доимий равишда уйғунлаштириб бораётган Ҳакима опа ҳунарини ёшларга ўргатишни, уларнинг ажойиб ғоялари асосида янгиликлар яратишни ўзининг бош мақсади билади.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Олтиариқ тумани кенгаши қошида «Ёшлар ижтимоий хизматлари» маркази ташкил этилиб, тикувчилик йўналиши мураббийлигига тақлиф қилингунга қадар ҳам Ҳакима опа фақат ёшлар билан ишларди. 2009 йилда тикувчилик, тадбиркорлик ва шеърят йўналишлари бўйича фаолият бошлаган мазкур ЁИХМ чевар аёлнинг эзгу ишларни амалга ошириши учун айна муддао бўлди.

«Ёшлар ижтимоий хизматлари» марказининг тикувчилик йўналиши туман марказидан узоқда — Полосон шаҳарча фуқаролар йиғини ҳудудида ташкил этилган.

Мазкур йўналиш фаолиятига назар ташласак, ўтган давр мобайнида ҳар олти ойда 150 нафар атрофида қишлоқ қизлари хунари ўрганаётганига гувоҳ бўламиз. Жорий йилнинг ўтган олти ойида 160 нафар ёш тикувчилик сирларини ўзлаштирди. Айна кунда олти нафар

ўқувчи билан янги курсни бошлаган бу йўналишда тез кунда ўқувчилар сони юздан ортади.

ЁИХМга туман маркази, Тинчлик шаҳарчаси, «Повулғон» МФИ ва бошқа ҳудудлардан ҳам кўплаб ўқувчилар қатнайдди.

Муҳайё Ҳомидова ҳам ўн беш километр узоқдан — Олмазор қишлоғидан қатнайдди. Унинг айтишича, кўшниси ҳам шу марказда таълим олган ва айна кунда моҳир чевар бўлиб ишлаётган экан. Шу билан

бирга, марказда хунари ўрганиш бепуллиги ҳам унинг бу ерни танлашига асос бўлган.

Марказ фаолияти билан таъинлаётган пайтимизда Ҳакима опанинг бир шогирди келиб қолди. Уни суҳбатга тортдик.

— 2010 йилда марказда ўқиганман, — дейди Барно Иброҳимова. — Турмушга чиққанман кейин тикувчилик ҳар бир қиз учун муҳим хунари эканини англаб етдим. Шунинг учун ўз малакамга ишониб, бошқа қизларнинг ҳам бу хунари-



ни ўрганишига кўмаклашиш мақсадида тикувчилик цехини очдим. Устозимдан маслаҳат олиб, тажрибамни доимий ошириб бораман. Бу ер биз учун малака ошириш маркази вази-фасини ҳам бажаряпти.

Барнохон сингари ЁИХМда хунари ўрганиб, хусусий фаолият олиб бораётган Мадина Абдулҳақимова, Гулзодаҳон Рўзалиева ва Нигора Аблюёрова каби ёш тадбиркор қизлар номини кўплаб келтириш мумкин. Мазкур марказда тикувчилик сирларини ўрганган қизлар ҳаётда ўз ўрнини топяпти. Оиласига кўмакчи бўляпти. Бир сўз билан айтганда, бу марказдан кўплаб тадбиркор қизлар етишиб чиқяпти.

Яна бир гап. Марказда қизлар машғулотлардан бўш вақтларида матолардан гул ясаш, қоғоздан қушлар ясаш, тахлаш усули билан саватча ясашни ҳам ўрганишади.

**Нодиржон ЮСУПОВ,**  
«Turkiston» мухбири

**СУРАТДА:** Ҳакимаҳон Раҳмонова ўқувчилар билан машғулот пайтида.



Bu qiziq!



# МАРКИРОВКА

## НИМАНИ АНГЛАТАДИ?

Бирор маҳсулотни ҳали истеъмол қилиб улгурмасдан, у ҳақда бирламчи тасаввурга эга бўлиш мумкин. Қандай қилиб, дейсизми? Қадогои ёки ўрамига эътибор беринг. Унда истеъмолчи учун керакли ва фойдали маълумотлар акс этади. Маҳсулот тайёрланган сана ва яроқлилик муддатидан тортиб, асосий хусусиятлари ва сифат белгилари, қачон, қаерда ва қайси корхона томонидан ишлаб чиқарилганигача. Бундай маълумотлар қадок юзасига график элементлар ёхуд матн шаклида жойлаштирилади. Мутахассислар тилида бу усул, товарни маркировкалаш, деб аталади.

Янги рўйхатда маркировкаланган истеъмол товарлари номма-ном таснифланган. Масалан, озиқ-овқат маҳсулотларининг ўзи 15 банддан иборат алоҳида гуруҳни ташкил этади. Республикамиз ҳудудига четдан олиб кирилувчи гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут маҳсулотлари, парранда тухуми, асал, сабзавот ва мевалар, ёнғоқ, шакар ва қандолат маҳсулотлари, шоколад, какао ва ундан тайёрланган маҳсулотлар шулар жумласидан. Алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ҳам ушбу гуруҳдан ўрин олган. Эндиликда бу турдаги маҳсулотлар қадогоиди барча маълумотлар истеъмолчига ўзбек тилида тақдим этилиши керак.

Давлат тилида мажбурий равишда маркировкаланган истеъмол товарлари рўйхатининг тўлиқ матни билан Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 13 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасига истеъмол товарлари олиб киришни такомиллаштиришга доир қўшимча чораталбирлар тўғрисида»ги қарорида танишиш мумкин. Хужжатда қайд этилишича, истеъмол идишига қўйиладиган маркировкада товар тўғрисида қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

▶ товарнинг асосий истеъмол хусусиятлари, шу жумладан, ўзига хос хусусиятлари;

▶ ишлаб чиқарилган санаси;

▶ ишлаб чиқарувчи ёки бажарувчининг кафолат мажбуриятлари;

▶ товардан самарали ва хавфсиз фойдаланиш қоидалари ва шартлари;

▶ товарнинг яроқлилик муддати ҳамда ушбу муддат тугагандан кейин истеъмолчи томонидан бажариш зарур бўлган хатти-ҳаракатлар, шунингдек, кўрсатиб ўтилган хатти-ҳаракатлар бажарилмаган тақдирда юзга келиши мумкин бўлган оқибатлар тўғрисидаги маълумотлар;

▶ ишлаб чиқарувчи (бажарувчи, сотувчи)нинг ҳамда истеъмолчидан даъволарни қабул қилиш юзасидан улар томонидан ваколат берилган, шунингдек, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш ишларини бажарувчи корхоналарнинг манзиллари;

▶ товарни сақлаш, хавфсиз қайта ишлаш усуллари ва қоидалари.

Шунингдек, амалдаги қонунчилигимизга кўра, товар генетик модификация қилинган маҳсулотлардан олинган тақдирда, бу ҳақда унинг маркировкасига тегишли ёзув ёки белги

киритилиши шарт.

Истеъмолчи учун мўлжалланган маълумотлар тушунарли, тўлиқ ва ишончли бўлиши керак. Бу товарни маркировкалашнинг дастлабки зарур шарт ҳисобланади. Яққол кўзга ташланиши ва осон ўқилиши учун маркировка кўпинча қадокнинг рангига қарама-қарши рангда ишланади. Баъзан маркировка товарнинг бевосита ўзига (масалан, тухум ва гўшт маҳсулотларида), асосан, тамға шаклида туширилади. Консерва маҳсулотларида, одатда, штамп кўринишидаги маркировкадан фойдаланилади. Унда ишлаб чиқарувчи корхонанинг рақамли коди, партия рақами ҳамда маҳсулотнинг ишлаб чиқарилган санаси акс этади. Бундай маркировка идиш қоқоғига ўйиб ёки бўрттириб ёзилади.

Айрим товарларда, масалан, техник жиҳозлар, кир ювиш машиналари, электроаппаратура ва бошқаларда керакли маълумотларни маҳсулот қадогои ёки ўзида акс эттириш жуда мушкул. Шунинг учун уларга матн кўринишидаги алоҳида хужжат (паспорт, истеъмол қадогои ишлатиш бўйича йўриқнома) илова қилинади. Бундай иловаларни қандолат маҳсулотлари, печенье ёки шоколадлар қутиларида ҳам учратиш мумкин.

Одатда, хориждан келтирилувчи маҳсулотлар бир неча тилда маркировка қилинади. Мамлакатимизга импорт қилинадиган айрим турдаги истеъмол товарларини ўзбек тилида маркировка қилиш мажбурийдир. Улар сирасига истеъмол қадогоига эга барча турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари, дори препаратлари, косметика, соч ва гигиена воситалари, пиротехника буюмлари, маиший кимё маҳсулотлари, ўйинчоқлар, маиший электр жиҳозлари, теле, видео, аудио-аппаратура, кўчма телефонлар ва бошқа шу каби жами 11 турдаги маҳсулот киритилган.

2013 йил 13 майда мамлакатимиз ҳукумати давлат тилида маркировкаланиши шарт бўлган истеъмол товарларининг янгиланган рўйхатини тасдиқлаган эди. Шунга мувофиқ, жорий йил 1 июлидан бошлаб уларнинг сони 44 тага етказилди.

Озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, электроника ва электротехника буюмлари, косметика воситаларининг қадокларида турли ёрликларга кўзимиз тушади. Булар ҳам маркировканинг бир туридир. Бугунги кунда графика кўринишидаги маркировкалар жаҳон миқёсида кенг қўлланилмоқда. Айримлари билан сизларни таништириб ўтамиз.

Мана бу белги «Мебиуса ҳалқаси» деб аталади. У маҳсулотнинг қадогои (ўрами) қайта ишланиши мумкинлигини ёхуд қадок қисман ёки тўлиқ иккиламчи материалдан тайёрланганини англатади.



«Яшил нуқта» белгиси. 1990-йилларнинг бошларидан кўпга Европа мамлакатларида қўлланилмоқда. Мазкур белги билан тамғаланган маҳсулотни ишлаб чиқарувчи компания истеъмолчига маҳсулот қадогоини иккиламчи қайта ишлаш учун қабул қилинишини кафолатлайди.

Иккиламчи материаллардан ишлаб чиқарилувчи ёки қайта ишланиши мумкин бўлган маҳсулотлар, масалан, оддий ёки қалин қоғоздан тайёрланган маҳсулотларни тамғалашда ишлатиладиган қуйидаги белгилар ҳам мавжуд.



Қайта ишланиши мумкин бўлган пластик маҳсулотларни ифодаловчи махсус белги. Полимер материалдан тайёрланган қадокларда акс эттирилади. Пластмасса буюмининг тури ва хусусиятига қараб мазкур белги 1 дан 7 гача рақамланиши мумкин. Масалан, агар учбурчак ичида 1 рақами ёзилган бўлса, бу кўлингиздаги идиш таркибида полиэтилентерфталат борлигини англатади. Ундан, асосан, яхна ичимликлар, шарбат ва сув учун пластмасса идишлар тайёрланади. Полипропилендан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар: сироп, йогурт ва кетчуп учун пластмасса идишлар, бутилкаларнинг қоқоғи, фотопленкалар кутиси, техник аппаратурани деталлари ва бошқалар 5 рақами билан ифодаланади.



Атроф-муҳитни ифлослантмасликка чақирувчи белги. Маҳсулот қадогоини иккиламчи қайта ишлашга топшириш кераклигини англатади.



Бу маркировка ТСО — Швеция мутахассислар иттифоқи, Швеция табиатни муҳофаза қилиш жамияти ҳамда Швеция электроэнергия давлат департаменти томонидан ишлаб чиқилган. Электроника ва маиший техника жиҳозларини маркировкалашда ишлатилади. Мазкур белги муайян маҳсулотни тайёрлашда оғир металллар, таркибида бром ҳамда хлор моддалари мавжуд бўлган енгил ёнувчи моддалар, фреон ва хлорли эритмалар чекланган миқдорда қўлланилганидан дарак беради.

Маҳсулот инсон саломатлиги ва атроф-муҳит учун хавфли эканини ҳамда бундай маҳсулотларни чиқиндилар кутисига ташлаш қатъий манъ этилиши ҳақида огоҳлантирувчи белги. Асосан, электротехника жиҳозларининг маркировкасида учрайди.



Маҳсулотнинг экологик хавфсизлиги, шунингдек, инсон саломатлиги ва атроф-муҳитга зарар етказмаслигини билдирувчи белгилар. Улар эко-маркировкалар деб юритилади.

Бу белгилар истеъмолчига маҳсулот таркибида озон қатламни емирувчи моддалар, хусусан, фреон моддаси йўқлиги тўғрисида хабар беради. Улар, асосан, маиший техника жиҳозлари ва аэрозол препаратларини тамғалашда қўлланилади.



Маҳсулот (хомашё)нинг кимёвий воситаларсиз етиштирилгани, таркибида сунъий бўёқ моддалари ҳамда озиқ-овқат кўшимчалари йўқлиги ҳақидаги ахборот қуйидаги тамгалар орқали ифодаланади:



Косметика воситалари учун хос бўлган маркировка белгилари. Улар маҳсулот ҳайвонларда синовдан ўтказилмаганлигини англатади.





# Мустақил диёрнинг ҳур фарзандлари

Ҳар бир лаҳза ва ҳар бир дақиқа бизни энг улуг, энг азиз байрамимиз — мустақиллик айёмига яқинлаштирмоқда. Давлатимиз ва халқимиз ҳаётида том маънода буюк аҳамиятга эга бўлган мустақилликнинг мамлакатимизнинг гуллаб-яшнаши, ривожланишидаги беқийс ўрни хусусида ҳар қанча гапирсак кам.

Ўз олдимизга қўйган эзгу мақсадларга эришиш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият бўлган фуқаролик жамиятини шакллантиришда бу омил мустақкам замин яратиб, халқимизга эркин, бахтли ва фаровон, ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт кечириш имконини берди.

Дарҳақиқат, азиз неъмат — истиқлолимизнинг ҳар бир санаси янги тарихимиз соломасида том маънода ёрқин саҳифа бўлиб қолмоқда. Эркин, озод ва фаровон ҳаётимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли — мустақиллик айёмини ҳар йили ўзига хос шиор билан

... Боғ ҳудудидаги йўлакча бўйлаб юрар эканмиз, турли ёшдаги ўғил-қизлар асфальтга ватан манзараларини акс эттираётгани устидан чиқамиз. Билдикки, бу «Расмларда Ватаним тимсоли!» бекати экан. Қисқа савол-жавобдан сўнг «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида бўлиб ўтаётган маданий-маърифий тадбирнинг асосий майдонига етиб келдик. Унинг бир ёнида ёш шахматчилар; эътиборимизни эса ёш бола билан катта кишининг ўйини тортди. Улар — олти ёшли Осиё чемпиони Ислонбек Синдоров билан унинг мурабийи, Ўзбекистонда хизмат



япман. Ўқиш давомида «Санъат ҳафталиги», Конституция кунига бағишлаб ўтказиладиган турли танловларда қатнашиб келаман. Мақсадим мустақиллик йилларида эришган ютуқларимизни мўйқалам ёрдамида тасвирлаш, уни бутун дунёга кўрсатишдир.

Ўн йилдан буён амалий санъат билан шуғулланиб келаётган Республика дизайн коллежи ўқувчиси Малика Хидралиева «Санъат ҳафталиги — 2013» танлови ғолиби. Малика «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида ўтказиладиган «Тошкент оқшомлари» маданий-маърифий тадбирида ўз маҳоратини намойиш этмоқда.

Боғ ҳудудидан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати қошидаги «Ёшлар ижтимоий хизматлари» марказларининг ўрин олиши ота-оналар билан бирга, ўқувчи-ёшлар учун ҳам фойдали бўляпти. Чунки ёз мавсумида ҳар бир ота-она фарзандининг бирор тўғарақда машғул бўлишини истайди. ЁИХМдаги тикувчилик, тўқувчилик, бисер, рақс, инглиз тили, компьютер саводхонлиги тўғарақлари эса, ўқувчилар хизматида.

— Марказимиз 2008 йилда иш бошлаган, — дейди «Камолот» ЁИХ Мирзо Улуғбек тумани кенгаши қошидаги «Ёшлар ижтимоий хизматлари» маркази раҳбари Шаҳноза Бердиқулова. — Бугун марказимизда 290 нафар ўқувчи компьютер саводхонлиги, психология, инглиз тили, тўқувчилик ва бисер, пазандалик тўғарақлари билан ва ҳунар эгаллапти. Тадбирга келган ота-оналар ва ёшлар марказимиз фаолияти билан танишиб, тўғарақларимизга аъзо бўлмоқда.

Бугун бозорларимизни тўлдириб турган сифатсиз хориж ўйинчоқлари ўрнини миллий эртақ қахрамонлари шаклидаги турли кўғирчоқлар билан тўлдириш муҳим аҳамиятга эга. Тадбир кўргазмасидан ўрин олган ёш кўғирчоқлар, дизайнер Гулноза Асранованинг ижод намуналари барчада қизиқиш уйғотди. Бир-бирини такрорламайдиган, ўзига хос дизайндаги кўғирчоқларда миллийлик акс этган. Гулноза Чилонзор туманидаги «Баркамол авлод» болалар ижодиёти маркази ўқувчиларига либослар дизайни, миллий ўйинчоқ, заргарлик санъати бўйича дарс бериб келаяпти.

— Бугун болаларнинг миллий кўғирчоқларга қизиқиши ортиб борапти, — дейди Гулноза. — Бироқ бундай ўйинчоқ-

лар бозорларимизда камдан-кам сотилиши туфайли ота-оналар фарзандларига хорижда ишлаб чиқарилган ўйинчоқларни харид қилишяпти. Миллий кўғирчоқлар ҳам сифатли, ҳам тарбиявий аҳамиятга эга. Шу боис унинг тарғиботини яхши йўлга қўйиб, бозор ристаларига кўпроқ чиқариш зарур. Кўғирчоқсозлик билан шуғулланишни истаётганлар Чилонзор туманидаги 22-меҳрибонлик уйи ҳамда 66-маҳсус мактаб-интернатда ҳам кўпчиликни ташкил этади. Бундай тадбирлар эса, ёшларни миллий кўғирчоқлар билан яқинроқ таништиришга, уларнинг қизиқишини оширишга ёрдам беради.

«Бахтиёр оила — обод турмуш гарови» бекатида боғнинг сув ҳавзасидаги қайиқларда ёш оилаларнинг сайли ташкил этилди.

«Тошкент оқшомлари» номили маданий-маърифий тадбир концерт дастури билан давом этди. Таниқли ва ёш санъаткорлар, болалар ашула ва рақс ансамбллари ижросидаги куй-қўшиқлар, спорт усталарининг чиқишлари, театрлаштирилган томошалар барчага байрам шукҳини улашди.

Концерт дастурида «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танлови, «Камолот» шахмат тахтаси, футбол бўйича касб-ҳунар коллежлари ўртасида ўтказилган «Камолот» кубогининг Тошкент шаҳар босқичи ғолиблари тақдирланди. Унга кўра, «Камолот» шахмат тахтасида 6 — 9 ёшлилар ўртасида Самира Олимжонова, 10 — 12 ёшлилар ўртасида Сарвар Олимжонов, 13 — 16 ёшда эса Баҳора Абдусатторова биринчи ўринга сазовор бўлди. «Камолот» кубогига Олмазор политехника касб-ҳунар коллежи жамоасига тенг келадиган топилмади. Олмазор туманидаги 310-мактабнинг бошланғич ташкилоти етакчиси Наима Дадабоева ҳамда Юнусобод туманидаги Тошкент иқтисодиёт коллежи бошланғич ташкилоти етакчиси Шоҳрух Боймуродов «Энг намунали бошланғич ташкилот етакчиси» деб топилди.

Тадбирда Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси, сенатор Фарид Абдурахимова иштирок этди.

**Рустам ЮСУПОВ,**  
**«Turkiston» мухбири.**  
Сардор Муллажонов  
олган суратлар



қарши олашимиз, нишонлаймиз. Жорий йилда ҳам мамлакатимизнинг барча ҳудудларида «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида истиқлолимизнинг 22 йиллиги катта тантаналар билан кутиб олинмоқда. Бу борада «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳам ўзининг турли лойиҳалари билан ёшларга байрам шукҳини тақдим этмоқда.

Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтаётган «Тошкент оқшомлари» деб номланган маданий-маърифий тадбирлар ҳам шулар жумласидан. Бугун ҳар қачонгиданда файзли, одамлар гавжум ушбу гўшада турли маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари ўтказилапти.

5 июлдан бошланган «Тошкент оқшомлари» 23 августга қадар ҳафтанинг жума кунлари соат 18:00 да бошланади. Унда халқимизнинг миллий-маданий меросини, бугунги кундаги салохияти ва эришган ютуқларини тарғиб этишга қаратилган ҳамда ёшларнинг она Ватанга меҳр-мухаббатини янада оширишга хизмат қиладиган кўргазмалар, спортчиларнинг чиқишлари, театрлаштирилган байрам томошалари уюштирилади. Масалан, «Кувнок стартлар» бекатида ёшлар учун қизиқарли спорт ва миллий ўйинлар, «Сен «Камолот»ни биласанми?» бекатида ёшларнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳақидаги билимларини янада ошириш мақсадида турли хил саволлардан иборат викторина, тест ва сўровлар ўтказилади.

кўрсатган журналист, шахмат шарҳловчиси Ақром Тошхўжаев экан. Ислонбекни спортсевар юртдошларимиз яхши билишади. Яқинда у Эронда шахмат бўйича 18 ёшгача ўғил-қизлар ўртасида бўлиб ўтган Осиё чемпионатида рапид ва блиц турнирларда ҳамда классик шахмат бўйича бир эмас, нақчта олтин медални қўлга киритди. Дунёда ҳеч бир шахматчи олти ёшида қитъа миқёсидаги нуфузли мусобақада йигирма партиядан ғалаба қозона олмагани билган мутахассислар ўзбек фарзандининг маҳоратига лол қолмоқда. Бу ҳам юртимизда спортга, айниқса, болалар спортга қаратилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик натижасидир.

Бугун Сергели туманидаги 305-мактабгача таълим муассасасида тарбияланаётган Ислонбек ушбу тадбирдан ўрин олган «Камолот» шахмат тахтаси» бекатида маҳорат машқларини олиб борди. Бекатда Самира Олимжоннова, Сарвар Олимжонов каби ёш шахматчиларни ҳам учратдик.

«Ёш мусаввирлар» бекатида Республика рассомлик ва Республика дизайн коллежи ўқувчилари ҳаваскор ёш рассомларга маҳорат дарсларини ўтишди.

— Ўн икки ёшимдан расм чизишни бошлаганман, — дейди Республика рассомлик коллежи ўқувчиси Латофат Эргашева. — Графика йўналишида ижод қилиб, натюрморт ва табиат манзараларини чизаман. Бу ерда табиатимизнинг гўзал манзараларини ёш ижодкорларга чизиб кўрсата-

**Тошкент давлат аграр университети қишлоқ хўжалиги тармоқлари учун юқори малакали кадрлар етказиб берувчи республикамиздаги таянч олий таълим муассасасидир. Айти пайтда Қорақалпоғистон Республикасида университетнинг Нукус филиали фаолият кўрсатмоқда.**

ТДАУда 17 та бакалаврият таълим йўналиши ҳамда магистратуранинг 41 та мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрланади.

Университетда агрономия; мева-сабзавотчилик ва узумчилик; селекция, уруғчилик ва ўсимлик ҳимояси; қишлоқ хўжалигини механизациялаш; зоотехника; агроиктисодиёт факультетлари мавжуд.

2013-2014 ўқув йили учун бакалавр босқичига қуйидаги таълим йўналишлари бўйича қабул эълон қилинган:

касб таълими (йўналишлар бўйича); иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича); маркетинг (тармоқлар ва соҳалар бўйича); бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича); агрокимё ва агротупроқшунослик; агрономия (деҳқончилик маҳсулотлари турлари бўйича); ўсимликларнинг ҳимояси ва карантин; қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилик; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва уларни дастлабки ишлаш технологияси; зоотехника (турлар бўйича); ўрмончилик ва аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштириш; ипакчилик; мева-сабзавотчилик ва узумчилик; фермер хўжалигини бошқариш ва юритиш; қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш; қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш.

Бу йил ТДАУга жами 1540 нафар абитуриентни ўқишга қабул қилиш режалаштирилган. Шунингдек, 410 нафар абитуриент университетнинг Нукус филиалига қабул қилинади.

Магистратура босқичига ажратилган умумий қабул квотаси 220 та ўринни (шундан 20 та ўрин Нукус филиали учун) ташкил қилади.





# Сулолага мужосид давожчилар

Наманган шаҳридаги тадбирда маҳалладаги хунармандларнинг кўргазмага қўйилган маҳсулотларини кўздан кечирар эканмиз, кичиги 14-15, каттаси 18-19 ёш чамасидаги йигитларни саволга тутаётган икки киши эътиборимизни тортди.

— Бу пичоқларни қаердан олиб келдинглар?

— «Сумалак гузари» маҳалласидан.

— Демак, тахмин қилганимиздай, булар — Маҳмуджон устанинг ишлари экан-да. У ясаган мана шунақа буюмларни илгари дўст-ёрларга совға учун олиб турганимгами, бир қарашдаёқ кўзимга иссиқ кўринди.

— Буларни ўзимиз ясаганимиз...

— Ёлгон гапиргани уялмай-сизларми, ахир, устага тегишли эканлиги шундоқ билиниб турибди-ку?! Қолаверса, сенлар тугул бошқанинг ҳам Маҳмуджон уста

даражасида буюм ясай олишига-ча қанча қовун пишиғи бор-у...

Тўғриси, биз ҳам аввалига санъаткорона тайёрланган маҳсулотлар муаллифи айнан шу йигитлар эканига унчалик ишонқирамадик. Лекин маҳалла раиси ва маслаҳатчи опадан эшитган таъкидлару, ўсмир ва ёшларнинг шу хунар билан мохирона шуғулланишини кузатиб, бўш вақтларини компьютердаги бемаъни ўйинлар ёки кўчада бемақсад тентирайдиган тенгдошлари каби сарфламасликларидан, қолаверса, бобомерос хунарни эъзозлашаётганидан хурсанд бўлдик.

— Яқинда қазо қилган раҳмат-

ли бобомиз Маҳмуджон Нуридинов чиндан ҳам қўли гул пичоқчи усталиги билан кўпчиликка танилган инсон эди, — дейди унинг набираси, 19 ёшли Қобилжон Турсунбоев. — Айтишларича, у кишининг ота-боболари ҳам пичоқчилик билан шуғулланиб ном чиқарган экан. Бобомизнинг беш нафар фарзандиям қиз бўлган. Биз, набиралар у кишининг хунарини ўрганишга астойдил бел боғлаганимизни кўриб, ғоят мамнун бўлгандик. Мактаб ва коллеждаги ўқишдан бўш вақтимни бобом ёнида хунар ўрганиш билан ўтказардим. Наманган шаҳридаги савдо ва маиший хизмат касб-хунар

коллежини тамомлагач, ҳеч иккиланмай, бобомерос хунар билан шуғулланишга қатъий аҳд қилдим. Укам Оқилжон ва холамининг ўғли Ривожиддинни ҳам ёнимга олганман. Оқилжон металлни кесиш, чўққа солиш ва уриб пишитишнинг устаси. Ривожиддин пичоққа ва дастасига чиройли безак беради.

Маҳсулотларимизни катта-кичик кўргазмаларда, савдо ярмаркаларида намойиш этганимизда эшитган илиқ фикр ва харидорлар кўпаяётгани ўзимизга нисбатан ишонч уйғотиб, янги режалар сари йўналтирди. Бўш вақтларини беҳуда сарфламасликлари учун қизиқувчан

ўсмирларга уста-шогирд усулида хунар ўргатыпман. Асосан, Обод турмуш йилидан бошланган мустақил фаолиятимиз ижобий натижалар беришига ишонман. Муҳими, сулоламиз анъанасини давом эттириб, юртимиз ва халқимизга наф келтира олаётганимиздан хурсандимиз.

Юртимизда Қобилжон сингари дунёқараши кенг, вақт қадрини биладиган, қобилиятли ёшлар барча соҳада истаганча топилади. Бу Ватанимиз келажаги муносиб ворислар қўлида эканининг яна бир исботидир.

**Шаҳзода АКБАРОВА,  
Наманган вилояти**

## Коллеждан — ишлаб чиқаришга!

Mutaxassislik sari

Чиноз хизмат кўрсатиш ва иқтисодиёт касб-хунар коллежида бўлганимизда коллеж билан ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида яхши ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилганига гувоҳ бўлдик.

Коллежда олти йўналиш бўйича 1365 нафар ўқувчи таҳсил олади. Уларга 54 нафар ўқитувчи-педагог, 20 нафар ишлаб чиқариш таълими устаси сабоқ берапти. Ўқувчиларнинг тўлақонли билим олишлари учун барча шароитлар муҳайё қилинган. Хусусан, тикувчилик ишлаб чиқариш устанолари, ўқув ва лаборатория хоналари, компьютер синфи, лингафон хоналари, коллеж ахборот-ресурс маркази зарур жиҳозлар билан таъминланган.

Ўқув масканида кўплаб фан ва спорт тўғрисидаги мунтазам фаолият кўрсатади. Айниқса, спортга алоҳида эътибор қаратилган. Ўтган йили туман ҳокимлиги кубоги учун ўтказилган футбол мусобақасида коллеж ўқувчиларидан ташкил топган футбол жамоаси бош совринни қўлга киритди. Бу борада коллеж маъмурияти ўқувчи-ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Коллежнинг 1-курс ўқувчиси Камола Собирова «Ишбилармон талаба» кўрик-танловининг вилоят босқичида «Аҳолига сервис хизмат кўрсатиш» лойиҳаси бўйича иштирок этиб, ғолиб чиқди ва республика босқичига йўлланма олди. Айни пайтда мазкур иқтидорли ўқувчи танлов таъсисчиси — Ўзбекистон Либерал демократик партиясининг йиллик стипен-



дияси билан таъминланди. Худди шунингдек, «Камолот» ЁИХ коллеж БТ етакчиси Каромат Муродовнинг «Энг намунали етакчи» кўрик-танловининг вилоят босқичида ғолиб чиқиб, республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритгани эътиборли.

Коллежга бориб диплом топшириш маросими устидан чиқдик. Ушбу тантананда ота-оналар, маҳаллий ҳокимият вакиллари, ҳамкор ташкилотлар ҳам иштирок этаётган экан. Ушбу йилда 501 нафар ўқувчи коллежни тамомлади. Ана шу битирувчи ёшларнинг ишлаб чиқариш ва дипломолди амалиётлари тумандаги мавжуд 164 та корхона ва ташкилотда ўтказилди ва бунинг натижасида мазкур ташкилотлар билан уч томонлама шартномалар тузилди.

Диққатга сазовор жиҳати шуки, биргина тикувчилик йўналиши бўйича таҳсил олган битирувчилар ўзларининг дипломолди амалиётларини «Чинозтекстил» корхонасида ўташди. Эллик нафарга яқин бўлажак мутахассис айнан мазкур корхонада ўз амалиётини олиб боргани натижасида, уларда шу

ернинг ўзида ишлаш истаги тугилди. Албатта, бу борада корхонада яратилган қўлай шароитлар шуни таъқозо этди.

Булардан ташқари, коллеж битирувчиларининг яна бир гуруҳи «Тошвилоятавтотеххизмат» корхонасида бўлишди. Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш йўналиши бўйича таҳсил олган битирувчи ёшлар корхонада дипломолди амалиётини ўтаб, шу ерда ишлаш истагини билдиришди. Жойларда «Устоз-шогирд» анъанаси йўлга қўйилган. Маҳалла — мактаб — коллеж ҳамкорлиги тобора мустаҳкамланмоқда.

Туман худудидидаги мактабларнинг 9-синф битирувчиларини коллежга қамраб олиш ишлари ҳам жадал олиб бориляпти. Мактаб ўқувчиларини коллежга жалб этиш мақсадида «Очиқ эшиклар куни», «Касблар фестивали» сингари тадбирлар мунтазам ўтказиб борилди. Коллежга келган битирувчи синф ўқувчилари ўзлари хоҳлаган касбни танладилар.

**Ашурали БОЙМУРОД,  
«Turkiston» мухбири**

Dolzarb mavzu muhokamada

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Матбуот ва ахборот агентлиги ташаббуси билан «Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасидаги долзарб вазифалар» мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

## Зиммамиздаги масъулият

Агентлик томонидан «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида»ги, «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида»ги ҳамда «Оммавий ахборот воситалари ва ахборот олиш соҳасидаги айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунларнинг лойиҳалари тайёрланди. Мазкур қонун лойиҳалари ривожланган бозор шароитида ОАВ иқтисодий эркинлигини таъминлаш, рақобатни мустаҳкамлаш, ОАВни давлат томонидан ҳуқуқий ва иқтисодий, ташкилий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, имтиёзлар бериш масалаларини тартибга солиш, аҳолининг ахборот олишга бўлган эҳтиёжини халқаро андозаларга мослаштириш каби масалаларни ўз ичига қамраб олади. Замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши, интернет майдонининг кенгайиб бораётгани, бундай вазиятда аҳолини аниқ ва холис ахборот билан таъминлаш ахборот воситалари, бинобарин, журналистлар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Анжуманда соҳада эришилган ютуқлар билан бир қаторда ечимини кутаётган муаммолар ҳақида ҳам сўз борди. Глобаллашув шароитида ахборот истеъмолчиларини ёт, носоғлом ғоялардан ҳимоя қилишда журналистларнинг масъулиятини ошириш, ёшларнинг пинҳона ва ошқора ахборот хуружларига қарши маънавий иммунитетини шакллантириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

«Вояга етмаганларни жисмоний ва маънавий ривожланишига салбий таъсир этувчи ахборотлардан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам журналистлар эътиборига ҳавола этилди. Ушбу қонун болалар ва ўсмирларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлашга қаратилган бўлиб, лойиҳага кўра, ахборотнинг тарқатишда огоҳлантирувчи белгилар қўйиш, болаларни зарарли ахборотлардан ҳимоя қилиш, телекўрсатув ва радиоэшиттиришларни узатиш вақтини чеклаш каби халқаро амалий тажрибадан ўтган ҳуқуқий механизмларни ҳам киритиш мўлжалланаётгани ай-тиб ўтилди.

**Дилбар ХУДОЙБЕРДИЕВА,  
«Turkiston» мухбири**



# Мақтаб — маҳалла — коллеж ҳамкорлиги

Ilg'or maktablar

Бекобод туманидаги 20-мактабнинг тўққизинчи синфини бу йил 48 нафар ўқувчи тамомлади. Уларнинг барчаси туман ва вилоят ҳудудидаги академик лицейлар ҳамда касб-ҳунар коллежларида таҳсил олиш истагини билдиришди.



Мақтабни тугатар экан, ўқувчилар қалбида таълимнинг кейинги босқичи, турли касб ва соҳаларга нисбатан қизиқиш ва меҳр уйғотиш катта аҳамиятга эга. Айниқса, мактаб психологи, тажрибали муаллимларнинг олиб борадиган ишларининг ўрни беқиёс. Мақтабда уларни касбга йўналтириш, таълимнинг кейинги босқичига жалб этиш ишлари фаол олиб борилди. Хусусан, мактаб — маҳалла — коллеж ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилгани қўл келди.

Ўқувчиларнинг ҳар томонлама баркамол инсон-

лар бўлиб улғайишларига ҳисса қўшишда мактабда ташкил этилган фан ва спорт тўғарақлари муҳим роль ўйнади. Ўқув йили давомида 14 та фан ва бир нечта спорт тўғарақлари фаолият кўрсатди. Булардан ташқари, қиз болалар учун бичиш-тикиш, ошпазлик тўғарақлари ташкил этилиб, ўқувчиларнинг фаоллиги таъминланди. Ўқув жараёни билан синфдан ташқари ишларнинг узвий боғлиқ ҳолда олиб борилганлиги ўз самарасини берди.

Айни дамларда мактаб ўқувчилари ёзги таътилни

мароқли ва мазмунли ўтказишмоқда. Мақтабда эллик нафар ўқувчига мўлжалланган соғломлаштириш майдончаси ташкил этилган, мавсум мобайнида жами 150 нафар ўқувчининг ҳордиқ чиқариши режалаштирилган. Шу билан биргаллик 18 нафар ўқувчининг қўл жанги тўғарақига, 21 нафар ўқувчи-

нинг футбол тўғарақига қатнашиши таъминланган. Булардан ташқари, бир гуруҳ ўқувчилар Бекобод металлургия комбинатининг Бўстонлик туманида жойлашган «Ёшлик» соғломлаштириш оромгоҳида дам олиб қайтишди.

**Ашурали БОЙМУРОД,**  
**«Turkiston» мухбири**



## Омади келди

Австралиянинг Сидней шаҳри яқинидаги денгиз бўйида дам олаётган 38 ёшли Ришан Ражапак-сега кит ҳужум қилди.

Маълумотларга қараганда, қирғоқдан ўттиз метр узқликда махсус тахта ёрдамида сув юзасида учаётган серфернинг мароқли сайрига кит халақит берди. Жонивор билан тўқнашувда Ришаннинг елкаси синган, орқа мияси чайқалган. Серфер китни ҳеч қачон яқиндан кўрмаганини айтяпти. У китнинг автобус ва космик кемага ўхшашини ва охириги марта кит билан қўл бериб сўрашмоқчи бўлганини эслади, холос. Кўзини очганда эса қирғоқда, шифокорлар қуршовида эди.

## Ҳот-догхўрлик мусобақаси

Ҳот-догхўрлик бўйича жаҳон рекорди янгиланди. Рекордчи яна Жой Чеснат, у 69 та ҳот-догни ўн дақиқа ичида паққос тушириб, шундай шарафга муяссар бўлди.

Ундан кейинги ўринни 58 та ҳот-догнинг «жойини солган» Метт Стони эгаллади. Мусобақанинг аёллар ўртасидаги баҳси ҳам қизиқарли кечди. Унда Соня Томас ва Жулёт Ли 36 тадан ҳот-дог ейишган. Рақибасига қараганда камроқ вақт ичида еб тугатгани учун Соня хонимга биринчи ўрин насиб этди. 98-мартга ўтказилган ушбу мусобақа ғолибларига пул мукофотлари берилди. 1-ўрин соҳиблари ўн минг, 2-ўринни эгаллаганлар беш минг, 3-ўринни олганлар икки ярим минг доллардан санаб олдилар.

## Полвоннинг жаҳлини чиқарманг

Индонезиялик беш сайёҳ йўлбарс ҳужумидан қочиб, нақ уч кунни дарахт шоҳида ўтказди.

Айтишларича, улар аввалига етти минг квадрат километрли Гунунг-Лесер қўриқхонасида йўқолиб қолишади. Сўнгра уларни қидириш учун ўттиз нафар кутқарувчи сафарбар этилди. Йўқолганлардан бири оила аъзоларига телефон орқали хабар бермаганида, ким билади, дейсиз, у ерда яна қанча қолиб кетишарди. Маълум бўлишича, улар кийикка қўйган қопқонга тасодифан йўлбарс боласи тушиб қолади. Улар қопқондан жониворни бўшатаётганларида, буни она йўлбарс кўриб қолади. Қисқа фурсат ичида йўлбарслар сони тўрттага етади. Бечора «овчи»лар йиртқичлардан зўрға қутулиб қолишган.

## Тишингизни асранг!

Африкада стоматологлар томонидан тиш ювиш хайрия тадбири ўтказилди.

Унда Нигерия мактабларидан 300 мингдан ортиқ ўқувчилар қатнашишди. Тадбирда бир неча хил мусобақалар ўтказилиб, ғолиб болаларни турли совғалар билан тақдирлашди. Тадбир давомида стоматологлар ассоциацияси томонидан тишларни қандай парвариш қилиш ҳақида тушунчалар бериб борилди, тиш пасталари ҳамда тиш чўткалари улашилди. Бундай тадбир олдин Ҳиндистонда бўлиб ўтган эди. Ушанда 117003 нафар бола иштирок этган.

**Интернет манбалари асосида**  
**Дилшод МИРЗАЕВ тайёрлади**

# Умид ва ишонч билан

Kelajakka qadam

**Касби иқтисодиёт касб-ҳунар коллежининг 420 нафар битирувчисига диплом топширилди.**

33 йиллик тарихга эга мазкур таълим масканида айни пайтда молия, банк иши, бухгалтерия ва аудит, жисмоний тарбия мураббийи, тикувчилик ишлаб чиқариши, ЭҲМ оператори йўналишлари бўйича кичик мутахассислар тайёрланмоқда. Тўксон нафар ўқитувчи, саккиз нафар ишлаб чиқариш устаси ёшларга таълим-тарбия бериб келмоқда.

Касбий таълим бўйича директор ўринбосари Жасур Йўлдошевнинг айтишича, шу кунларда келгуси ўқув йили учун қабул жараёни давом этмоқда. Режа бўйича бу ўқув йилида коллежга 320 нафар ўқувчи қабул қилиниши лозим. Шу кунгача 361 та ҳужжат қабул қилинган. — Мен уч йил мобайнида бухгалтерия ва аудит йўна-

лиши бўйича таҳсил олдим, — дейди Тоҳиржон Неъматов. — Мақсадим билим ва малакамни янада ошириш, келажакда ушбу соҳа бўйича етук мутахассис бўлиб етишишим. Шу боис Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтига ҳужжат топширмоқчиман. Олдимга қўйган мақсадимга эришишга, таълим берган устозларимизнинг ишончини оқлашга ҳаракат қиламан.

Коллеж директори Тўлқин Искандаровнинг маълум қилишича, битирувчиларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада жорий йилда 110 та корхона, ташкилот ва муассаса билан уч томонлама шартнома имзоланган, битирувчиларда ўқишни олий ўқув юртларида давом эттириш ёки ўз мутахассисликлари бўйича ишлаш имконияти мавжуд.

**Ихтиёр УМАРОВ**

## СЕН МЕНИНГ БАҲОРИМ БЎЛ!

*Кўнглим тоғдай ўсди, гулим,  
Суянавер тошига.  
Лола каби сен ҳам қулиб,  
Барг ёзавер қошимда.*

*Тоғдир кўнглим, тош демагин,  
Бошганигни оғритсам.  
Жилға мисол яшнат дилим,  
Мен баҳорни соғинсам.*

*Кўнглим тоғдай салобатли,  
Баланд, дема, муз, дема.  
Қуёш бўлиб, саховатли  
Нур сочолсанг, муз нима?*

*Тақир, дема кўнглимни ҳеч,  
Баҳор келса, боғ бўлар.  
Баҳорим бўл, меҳрингни соч,  
Тошлардан-да гул унар.*

\* \* \*

*Менми ўшал бепарво,  
Кўзингга бир боқмаган?  
Юрагингни ёндириб,  
Ўз дилини ёқмаган?*

*Менми ўшал кўзи кўр,  
Сендай қизни кўрмаган?  
Бор меҳрингни олган-у,  
Бир бор ҳолинг сўрмаган?*

*Менми ўшал тошбағир,  
Эрмаган сўзингдан?  
Бу дунёда бошқани  
Йўламаган ўздан?!*

*Менми ўшал бепарво,  
Севгинг сезмай кўйдирган?  
Сенинг сабринг лиммо-лим  
Тўлғунича суйдирган.*

*Менми энди бедаво  
Ишқ дардига чалинган?  
Топганинда ўзга ёр,  
Кетма, дея ялинган?!*

*Менми энди интизор...*

## ТАСКИН


*Нега боқолмайсиз кўзларимга тик,  
Қулиб турасиз-у, титроқ босар лек?  
Нечун гуноҳкордек кўнгида ҳадик?  
Ахир, шунчаки бир дўст эдик-ку биз,  
Ахир, бевафолик қилмадингиз сиз.*

*Кўзингиз туюлмас титраган ёшни,  
Бўғзингиз ютолмас тикилган тошни,  
Майли, силайверинг бегона бошни,  
Ахир, шунчаки бир дўст эдик-ку биз,  
Ахир, бевафолик қилмадингиз сиз.*

*Энди порламагай менга бу кўзлар,  
Энди ярашмагай ҳавойи сўзлар,  
Нега қароғингиз қаролмай бўзлар?  
Ахир, шунчаки бир дўст эдик-ку биз,  
Ахир, бевафолик қилмадингиз сиз.*

*Сизни олиб кетар ёр-ёрлар ҳазин,  
Бизни чорлар ҳаёт йўллари узун,  
Жим қотдим ўзимга берганча таскин,  
Ахир, шунчаки бир дўст эдик-ку биз,  
Йўқ, йўқ, бевафолик қилмадингиз сиз.*

Yoshlik ilhomi



## МЕНИ ДЕЯ ЯШАГАН ҚИЗ

*Менинг маънос бу кўнглимни  
Фақат ўзи англаган қиз.  
Мен сени деб дилафгорман,  
Мени дея йиғлаган қиз.*

*Кўзларида менинг аксим,  
Кўнглига ишқ жойлаган қиз.  
Мен сени деб куйлагайман,  
Ҳар он мени ўйлаган қиз.*

*Киприklarин дорларида  
Армонларимни ёйган қиз.  
Мен сени деб бахтиёрман,  
Мени дея жилмайган қиз.*

*Севгисини айтолмайин,  
Маъюсгина термулган қиз.  
Мен сени деб ёндим ҳар тун,  
Мени дея қайгурган қиз.*

*Ай, кўзлари денгизгами,  
Осмонларга ўхшаган қиз.  
Мен сени деб борман бу кун,  
Мени дея яшаган қиз!*

**Бекзод ИБРАГИМОВ**





Fotoetyud

## Сой бўйида

— Ҳой болалар! Бегона жойда ҳам чўмиласизми? Ўқитувчиларингиз, ота-онангиз айтишмаганми? — деймиз сойда чўмилётган болаларга.

— Салом алайкум, келинг, ака, биз билан чўмилигим, сой чуқур эмас, — дейди 10-12 ёшлардаги бола. — Ўзимиз мана шу қишлоқдан бўламиз. Сой бизга бегона эмас.

Ёзнинг айна жазирама кунларида Жалолқудуқ туманидан оқиб ўтувчи Андижон сойи болакайлар билан гавжум.

О, болалик, сен ёзларинг билан, муздай сувли сойларинг билан ҳам гўзалсан!

Сардор МУЛЛАЖОНОВ фотолавласи

## G'aro'ib voqea

# Фолчининг айтгани бўлмади

Ўшанда баҳор эди. Танамдаги бежоллик кучайиб борар, аммо бир томондан икки ойдан кейин ўқишга топширишим дилимга завқ бағишларди. Устозларимнинг айтишича, имтиҳондан олдин яхшилаб дам олишим керак экан. Юрсанг ҳам, турсанг ҳам ўқишга кираманми, деган савол бутун вужудингни ўраб олган бир вақтда ухлаб ҳам бўлмаслигини ўшанда билганман.

Дарс тугагач, дўстларим билан нариги бекатга бозор оралаб ўтдик. Аниқроғи, ўтолмадик. Рўпарамизда 30-35 ёшлардаги аёл: кўлида мис товоқча, эгнида эски бахмал кўйлак, чаккасидаги попукли рўмол учлари тушиб турарди. Ёни-мизга яқинлашди-ю, иси-

риқни пуфлай бошлади.

— Иби, бачам, бўйларинг расо, кўзларинг қаро эмиш... Ичингда бир нима бор. Бир садақа берсанг, дардингни йўқоти-иб бераман.

Кулгим келди. Ҳазил қилмоқчи бўлиб:

— Кўйинг, хола, ундан

кўра ўқишга кирамизми, шуни гапиринг, — дедим.

Йигитлар бирваракайига кулиб юборишди.

— Хафа бўлма, бачам, санга ўқиш насиб этмайди...

Шундай деди-ю, қадамларини тезлатиб юра бошлади. Саросимага тушиб қолдим. Танамдан совуқ тер чиқиб кетди. Изидан бордим.

— Хола! — дедим. — Мана, айтган пулингизни бераман, фақат тўғриси айтинг, ўқишга кираманми, йўқми?

Ортимда қолган абитуриентлар ҳам етиб келишди. Уларни ҳам бир хил савол, талабалик орзуси қийнарди...


... Айна пайтда нуфузли

университетда ўқияман. Аммо ҳар доим ўша бозордан ўтганимда фолбин аёлнинг сўзлари эсимга тушаверади. Ўша вақтлари қизгин ҳаяжон билан, аёлнинг макрини тушунмабман. Ким кўп пул берса, «сен ўқишга кирасан», пули камроқларга эса, «тақдирингдан кўр», деганди.

Тақдирдан ҳам, чўнтагидан ҳам кўрган дўстларимнинг ҳаммаси талабалик бахтига муяссар бўлди.

Сизга бир ҳақиқатни айтмайми, мен фолбиндан нимани истаётганимни ўзим айтиб қўйгандим.

Шохрух САИДОВ,  
ЎзДЖТУ талабаси



Тузувчи: Фахриддин Раҳимов

# 4 ЖАМОА ҚИТЪАДАН

Бугун Туркияда давом этаётган футбол бўйича ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг ярим финал учрашувлари бўлиб ўтади.

Этиборлиси, спорт мухлислари жаҳон чемпионатларида ва умуман, мусобақаларда камдан-кам юз берадиган воқеликка гувоҳ бўлишмоқда: ярим финалнинг тўртта иштирокчиси тўртта қитъадан. Финал йўлида Европадан Франция, Африкадан Гана, Осиёдан Ироқ ҳамда Америкадан Уругвай ёшлар терма жамоаси курашади.

Мазкур жамоаларнинг чорак финалдаги учрашувлари ҳақида қисқача эслатиб ўтамиз.

Францияликлар ярим финал йўлида Ўзбекистон ёшлар терма жамоасини мағлуб этди. Афсуски, вакилларимиз таркиби, асосан, келиб чиқиши африкалик бўйдор ва бақувват футболчилардан ташкил топган Франция терма жамоасига 0:4 ҳисобида ютқазиб қўйишди. Умуман олганда, бу терма жамоамизнинг жаҳон чемпионатидаги иккинчи йирик мағлубияти бўлди. Кучли саккизликка кириш — яхши, жаҳон чемпионати ҳавосини олган — яхши, аммо 5 та учрашувнинг 2 тасида шундай ҳисобда мағлуб бўлиш сал кўплик қилмасмикан? 2016 йилги Олимпиада ўйинлари саралаш мусобақасида иштирок этадиган жамоамизнинг ўзагини мазкур жамоа аъзолари ташкил этиши кутилмоқда. Умид қиламизки, улар мухлисларнинг Олимпиада ҳавасини сўндириб қўйишмайди. Ким билади, эҳтимол, унганча жамоа таркибида сезиларли ўзгаришлар ҳам бўлиб қолар. Бош мураббий Аҳмаджон Мусаев чемпионат мобайнида таъкидлаган «иккита тенг кучли таркибли жамоа»га айланар олимпия терма жамоамиз. Қисқаси, тадорикни ҳозирдан кўриш керак-ка ўхшайди.

Ёшларимиз билан бир гуруҳда кураш олиб борган уругвайлик ёшлар испаниялик тенгдошларини мағлуб этишганини кутилмаган бўлди, дейиш мумкин. Зеро, бугун Испаниянинг турли ёшдаги жамоаларини мағлуб этиш у ёқда турсин, дуранг ўйнаш ҳам ютуқдай бўлиб қолган. Бироқ жанубий америкаликлар чемпионатда ниятлари жиддий ва буни улар майдонда кўрсатишяпти.

Ироқ ёшлари эса чорак финалда Жанубий Корея ёшларини пенальтилар бўйича енга олди. «Осиё дербиси» чемпионатнинг бегага бўлганлар ҳам таъкидлаш керак. Ўйинни томоша қилганлар сўзимизга қўшилишига шубҳа йўқ. Асосий вақт 2:2, қўшимча вақт 1:1 ҳисобида тугагани, сўнгги голлар ўйиннинг 118- ва 120-дақиқаларида киритилгани ва ниҳоят пенальтилар сериясидаги 5:4 ҳисоби — ўйиннинг қизиқарли ўтганига яна қандай далил келтириш мумкин, очиғи, билмадик!

Ярим финалнинг сўнгги иштирокчиси Гана — Чили ўйинида аниқланди. Унда ганаликлар 4:3 ҳисобида ютишди.

Бугун Франция — Гана ва Ироқ — Уругвай ўйинидан кейин жаҳон чемпионатининг финалчилари ва учинчи ўрин учун курашадиган жамоалари маълум бўлади.

Жавоҳир КАРОМАТОВ,  
«Turkiston» мухбири

## YON DAFTAR CHANGIZGA

Иш, деса, оғрир ошиқ-мошиғим,  
Ош, деса, тайёр катта қошиғим.

Ўзбек халқ мақоли

## МУАССИС:

«КАМОЛОТ»

ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ  
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон  
Республикаси  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида 2007  
йил 19 апрелда  
№ 0242 рақам  
билан рўйхатдан  
ўтган.

ISSN 2010-6998



91772010699000

## Бош муҳаррир:

Ашуров Салим Тўраевич

## Тахрир ҳайъати:

Баҳодир Фаниев, Меҳриддин Шукуров (бош муҳаррир ўринбосари — «Turkiston»), Элмурод Нишоннов (масъул котиб — «Turkiston»), Ирина Кочергина (бош муҳаррир ўринбосари — «Молодёжь Узбекистана»), Елена Калинина (масъул котиб — «Молодёжь Узбекистана»), Рустам Қосимов

## Навбатчи муҳаррир:

Худойбердиева  
Дилбар  
Эркиновна

## Саҳифаловчи:

Рўзиев  
Зафар  
Хусанович

Газета тахририят компьютер  
марказида терилди ва  
саҳифаланди.

Манзилмиз: 100083, Тошкент,  
Матбуотчилар кўчаси, 32.

## Телефонлар:

(371) 233-95-97. (371) 233-79-69

e-mail: info@turkiston.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси босмахонасида, А-3 форматда  
чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ.  
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Буюртма Г-743.  
Адади — 8512

Босишга топшириш вақти — 21.00  
Топширилди — 21.40  
ЎЗА якуни — 20.55

Офсет усулида босилган.

1 2 3 4 5 6